

## Фитр закотининг хукмлари

### أحكام زكاة الفطر

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]

Ёзувчи : Юсуф Аҳмад  
Таржимон : Абу Жаъфар Ал-Бухорий

2009 - 1430

islamhouse.com

# أحكام زكاة الفطر

« باللغة الأوزبكية »

تأليف: يوسف بن أحمد

مراجعة: أبو جعفر البخاري

2009 - 1430

islamhouse.com

# Ислом Нури

## Маколалар

**Муаллиф:** Юсуф ибн Абдуллох ибн Ахмад ал-Ахмад

*Ахсодаги «ал-Имом» Дорулфунунининг Шариат Факультетида устоз*

**Мутаржим:** Абу Жаъфар ал-Бухорий

---

*Бисмиллахи рохмани рохийи*

## Фитр закоти (рўзаи фитр) нинг хукмлари

Барча Оламлар Роббиси бўлган Аллох таъолога хамду санолар, пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча сахобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Ушбу рисола «Фитр закоти ва Фитр байрами-хайити хакидаги хукмлар» нинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг кўрсатмалари ва суннатларидан намуна олиш нияти билан ёзилгандир.

### **\* Фитр закотининг хукми:**

Абдуллох ибн Умар разияллоху анхундан ривоят килинган хадисга биноан, фитр закотини бериш, мусулмон бўлган катта ва кичик, эркак ва аёл, озод ва кулга фарздир<sup>(1)</sup> : «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рамазоннинг фитр закоти бўлмиш бир соъ хурмо ёки бир соъ арпани беришни озод ва кул, эркак ва аёл, катта ва кичик мусулмонларга фарз килдилар хамда уни одамлар намозга чиқишларидан аввал берилишига амр этдилар» (Имом Бухорий ривояти).

### **\* Фитр закоти хайит куни ва хайитдан олдинги кечада ўзи ва оиласининг озука эhtiёжидан ортикча нарсага эга бўлган хар бир кишига фарз бўлади.**

Унинг ўзи ва кармогида бўлган мусулмон хотин ва болалари номидан фитр закотини бериши фарздир. Аслида, кармогида бўлган кимсаларнинг ўзлари чиқаришлари яхшироқдир. Чунки бу мавзудаги хитоб, уларнинг ўзларига йўналгандир. Хомила учун фитр закоти бериш, шариатда далиллар бўлмагани учун, фарз эмасдир. Усмон разияллоху анху хакида: «У хомиладан хам фитр закоти берар эди» деб килинган наклнинг ривоят силсиласи, заифдир (Каранг: «Ирвоъ»: 3 / 330).

### **\* Фитр закотининг кийматини беришнинг хукми.**

Фитр закотининг кийматини бериш, кўп уламоларнинг фатволарига кўра, жоиз эмасдир. Чунки ибодатлардаги асос – тавкифдир (яъни, ибодат Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва валлам тарафидан кандай кўрсатилган бўлса,

шундай килиниши керак). Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ва У зотнинг бирон бир саҳобасидан фитр закотининг кийматини берганликлари накл килинмаган. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам эса: **«Бизнинг ишимиздан бўлмаган бир ишни пайдо қилган кимсанинг (бу иши) рад қилингандир»**- дедилар (Имом Муслим ривояти).

**\* Фитр закотининг хикмати.**

Фитр закотининг хикмати Абдуллох ибн Аббос разияллоу анху ривоят қилган ҳадисдаги нарсалардир: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам фитр закотини рўзадорни беҳуда ва ҳаёсиз сўзларни айтганлигидан поклаш ва мискинларга таом бўлсин учун фарз қилдилар. У – ийд намозидан аввал берган кишилар учун қабул қилинган закот, ийд намозидан кейин берганлар учун эса (оддий) садақалардан биридир»** (Абу Довуд ва ибн Можжа коникарли ривоят силсиласи билан накл қилдилар).

**\* Фитр закотининг жинси.**

Фитр закотининг жинси инсонлар истеъмол қиладиган бугдой, гуруч хурмо, ва бошқа озиклардир. Абу Саъид ал-Худрий разияллоху анху: **«Биз расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам замонидан бир соъ таомни фитр закоти қилиб берар эдик. Таомимиз эса арпа, майиз, қуритилган қатик (қурут) ва хурмо эди»**- деди (Имом Бухорий ривояти).

**\* Фитр закотини бериш вақти.**

Фитр закотини саҳобалар қаби ҳайит байрамидан бир ёки икки кун аввал берилади. Абдуллох ибн Умар разияллоху анхунинг қули Нофеъ разияллоху анху: **«Саҳобалар фитр закотини ҳайитдан бир ёки икки кун аввал берар эдилар»**- деди (Имом Бухорий ривояти).

Абу Довуд раҳимахуллох ҳам Нофеъ разияллоху анхудан соғлом-сахих ривоят силсиласи билан: **«Ибн Умар ҳайитдан бир ёки икки кун аввал фитр закотини берар эди»**- жумлаларини ривоят қилди.

Фитр закотини беришнинг охириги вақти Абдуллох ибн Умар ва Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхумолар ривоят қилган ҳадисларга кўра ҳайит намозидир.

**\* Фитр закотининг миқдори**

Фитр закотининг миқдори, ҳар бир мусулмон учун бир соъдир. «Соъ» дан мақсад эса, мадиналиклар ишлатган ўлчов бирлигидир. Чунки расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам, Абдуллох ибн Умар разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда баён қилинганидек, ўлчовни Мадина аҳлинининг ўлчови билан қайд қилдилар: **«Ўлчов-меъёр мадиналиклар ўлчов-меъёрига, вазн эса маккаликлар вазнига биноандир»**- дедилар (Абу Довуд ва Насойй соғлом-сахих ривоят силсиласи билан накл қилдилар).

«Соъ» - ўлчов бўлгани учун ҳам, фитр закотининг микдори расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг замонидаги мадиналиклар «соъи» билан бўлиши керак.

Камина мухтарам илм толибларидан бирининг ривоят силсиласини Зайд ибн Собит разияллоху анхуга боғлаган «муд» ни ўлчов бирлиги килиб олдим ва турли таомларни у билан ўлчадим. Маълумки, бир соъ тўрт мудга тенгдир. Сўнгра, куйидаги натижага эришдим:

**Биринчи:** Соъ тарози билан ўлчанмас. Чунки соънинг вазни ичига солинган нарсага караб фаркли бўлади. Масалан: Бир соъ бугдой бир соъ гуручдан, бир соъ гуруч бир соъ хурмодан огирликда фарк килади. Хурмо эса навларига караб бир-биридан фарк килади. «Хузарий» нави «суккарий» навидан огирликда фарклидир. Ва хатто бир навга мансуб бўлишига карамай, босилгани<sup>[2]</sup> курутилганидан огирликда фарк килади. Шунинг учун ҳам, бу масалада ўлчов бирлиги килиб соъни олиш, белгиланган микдорни аниқлашнинг энг нозик усулидир.

**Иккинчи:** Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ишлатган соъ, тақрибан, 3 (уч) литру 280 (икки юз саксон) миллилитрдир.

**Учунчи:** Камина соъ билан ўлчанган баъзи озикларни хассос (сезгир) тарозида тортиб кўрдим ва натижалар фаркли эканига гувоҳ бўлиб, куйидаги жадвални туздим:

Озик тури	Бир соънинг кило микдори
Мазза гуручи	2 кг 510 гр
Пешовар гуручи	2 кг 490 гр
Миср гуручи	2 кг 730 гр
Америка гуручи	2 кг 430 гр
Кизил гуруч	2 кг 220 гр
Бугдой	2 кг 800 гр
Ёрма (крупа) дони	2 кг 380 гр
Эзилган бугдой	2 кг 620 гр
Бугдой уни	1 кг 760 гр
Арпа	2 кг 340 гр
Босилмаган «Халос» хурмо	1 кг 920 гр
Босилган «Халос» хурмо	2 кг 673 гр
Босилмаган «Суккарий» хурмо	1 кг 850 гр
Босилган «Суккарий» хурмо	2 кг 500 гр
Босилмаган «Хузарий» хурмо	1 кг 480 гр
Босилган «Хузарий» хурмо	2 кг 360 гр
Курутилган «Рўсан» хурмо	1 кг 680 гр
Босилган аралаш хурмо	2 кг 800 гр

Мен шуни эслатиб ўтмочиманки, бу ўлчовлар тақрибийдир. Чунки озикларни соъ билан ўлчаш, мазкур диккат билан амалга ошмайди. Аслида, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг соълари халқ ичида ёйилиши ва одамларнинг ўлчовига айланиши керак.

\* Фитр закотини олишга лойик одамлар

Фитр закотини олишга лойик одамлар, Абдуллох ибн Масъуд ривоят килган хадисда: «... **мискинлар учун озикдир...**» дейилганидек, факир ва мискин мусулмонлардир.

### **Эслатма:**

\* Факир ва мискин бўлмаган кимсаларга фитр закотини бериш, баъзи кишиларнинг закот олишга лойик бўлмасалар-да, кариндошлари, кўшниларига бериш ёки ўзаро бир-бирлари билан закот алмашишлари, ёки хар йили муайян бир оилага, у оиланинг закот олишга лойик ёки нолойик эканига карамай бериш, хатодир.

\* Фитр закотини бериш ери, фитр закоти бераётган одамнинг hozir яшаётган еридаги мусулмон фукаралардир. Бошка ердаги мусулмонларга олиб бориб берилса ҳам бўлаверади. Чунки бунинг асл хукми – рухсатдир. Фитр закотини бошка ерларга олиб бориб беришнинг харом эканига бирор далил йўқдир.

\* \* \*

---

[1] - Бу ерда шуни ҳам таъкидламоқчимизки, ханафий мазхабига кўра фитр закоти бериш вожиб хисобланади. Ханафий мазхабининг муассиси Имом Аъзам раҳимахуллох фарз эканига катъий далиллар бўлмаган хукмларни «вожиб» деб номлаганлар.

[2] - Одатда хурмо хар-хил йўллар билан сакланади. Шулардан бири хурмо ўта куриб кетмасидан аввал тунока, пластик идишлар ёки селлофан халталарга, ораларида хаво колмайдиган даражада босиб солинади. Буни босилган – пресланган дейлади.